



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдуназаровна Бабаназарова Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишлари	5
Раъно Суннатхоновна Умарова Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини оширишга бўлган замонавий ёндашувлар	10
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Berdiyar Yangiboyevich Yangiboyev Sun'iy intellekt texnologiyalaridan milliy iqtisodiyotda foydalanishning ayrim jihatlari	18
Тўлқин Шокирович Эргашев Инновацион тадбиркорлик фаолияти билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги иқтисодий алоқадорликнинг намоён бўлиш хусусиятлари	21
Munavvar Sur'at qizi Xusniddinova Turizmدا raqamli texnologiyalardan foydalanish: jahon tajribasi va o'zbekiston uchun xulosalar	26
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Интеграция вузов и предприятий в инновационном развитии экономики	32
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузбой Норматматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Ирода Болиева Флавоноидлар ва инсон саломатлиги	36
Botir Khayat Muradov, Olimjon Komiljonovich Muratkulov Problems and solutions to the prospects for the transition of mining enterprises to a green economy on the example of the coal industry	39
Рузбой Норматматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Суннат Бозоров Озуқабоп тоғлар ва соғлом овқатланиш	42
ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Shuhrat Marufjonovich Islomov, Avazbek Sa'dullayevich Qarshiyev Mehnat bozorida o'zgarishlarning o'rtacha ish haqiga ta'siri va uning tahlili	45
Maftuna Shavkatovna Xudayarova Aholining tadbirkorlik faolligini baholashning hududiy yondashuvi	50
Murodbek Dusmurot o'g'li Usmonov Qishloq joylarida aholi bandligini oshirish orqali kambag'allikni qisqartirish yo'llari	57
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Дилбар Хасановна Асланова, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Анализ предложения на рынке услуг высшего образования и тенденции его развития	61
Обид Мамаюнусович Пардаев Юқори технологик хизматларнинг назарий масалалари ва уларнинг коммунал хизматлар соҳасида қўлланилиши	64

3. The Essential Turing: the ideas that gave birth to the computer age(en). Oxford, England: Clarendon press, 2004, ISBN 0-19-825079-7).
4. Russell & Norvig “Artificial Intelligence: A Modern Approach” (2021, s, 18
5. Lorenz, Taylor; Griffith, Erin; Isaac, Mike. “We live in Zoom Now”, The New York times (2020-yil 17-mart.
6. Hamrayeva S.I., Samandarov M.J. Sun’iy intellekt va uning asosida yaratilgan texnologiyalar tahlili//Academic Research in Educational sciences, 2023.Vol.4)

Б.Янгибоев	B.Yangiboev
Некоторые аспекты использования технологий искусственного интеллекта в национальной экономике	Some aspects of the use of artificial intelligence technologies in the national economy
<p>Аннотация. В статье представлены взгляды на синергетический характер задач, которые необходимо решить при эффективном использовании технологий искусственного интеллекта в целях устойчивого экономического развития отраслей национальной экономики страны.</p> <p>Ключевые слова: стратегическое развитие, национальная стратегия, искусственный интеллект, технологии искусственного интеллекта, синергетический эффект, нейронные сети, умные компании, интерфейсы, программное обеспечение, автоматизация, цифровизация, робототехника, транзакции.</p>	<p>Abstract. The article presents views on the synergetic nature of the tasks that need to be solved with the effective use of artificial intelligence technologies for the sustainable economic development of the country's national economy.</p> <p>Keywords: strategic development, national strategy, artificial intelligence, artificial intelligence technologies, synergetic effect, neural networks, smart companies, interfaces, software, automation, digitalization, robotics, transactions.</p>

Тўлқин Шокирович Эргашев – БухДУ Иқтисодиёт кафедраси доценти и.ф.ф.д (PhD)

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МЕНЕЖМЕНТИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАДОРЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада кадрлар тайёрлаш менежменти билан инновацион тадбиркорлик фаолияти ўртасидаги иқтисодий алоқадорликларнинг намоён бўлиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Жумладан, турли иқтисодий назариялар асосида инновацион тадбиркорлик фаолиятини кадрлар тайёрлаш менежменти орқали қўллаб-қувватлашнинг устуворликлари аниқланган.

Калит сўзлар: менежмент, кадрлар тайёрлаш, кадрлар тайёрлаш менежменти, касбий компетентлик, олий таълим хизматлари, меҳнат бозори, таълим тизими, инновация, инновацион фаолият, тадбиркорлик, инновацион таадбиркорлик.

Кириш. Жаҳон хўжалигида глобализацион жараёнларнинг тобора чуқурлашиб бориши натижасида турли тармоқ корхоналари ўртасида ўзаро рақобатлашув кучайиб, нафақат бир тармоқ, балки тармоқлараро даражада юқори иқтисодий самарадорликка эришиш борасидаги курашларнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Ушбу жараёнлар пировард натижада тадбиркорлик фаолияти юритувчи субъектлар амалиётида инновациялардан фойдаланиш жараёнларини жадаллаштириб, меҳнат бозорида корхонанинг инновацион ривожланиш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини берувчи кадрларга бўлган талабнинг ортиши оқибатида турли мамлакатларнинг миллий кадрлар тайёрлаш тизимларини бошқариш амалиётига ўз таъсирини ўтказди. Натижада мамлакатлар кадрлар тайёрлаш тизимлари, жумладан, олий таълим муассасалари бошқарувида инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизмлар жорий этила бошланди.

Инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кадрлар тайёрлаш менежменти амал қилишининг илмий назарий жиҳатдан тадқиқ этишда дастлаб инновацион тадбиркорликнинг моҳияти, унинг амал қилиш хусусиятларини тўлиқ

тушуниш талаб этилади. Чунки бу турдаги кадрлар тайёрлаш тизимини бошқариш амалиёти тадбиркорлик субъектларининг айнан инновацион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Умуман олганда, иқтисодий фанда инновацион тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини тушунтиришга қаратилган илмий қарашларнинг аксарияти инновацион назариялар билан боғлиқликда амалга оширилганлиги билан характерланади. Иқтисодий айланмага илк бор инновация атамаси Австрия иқтисодий мактади вакили Й. Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, олим фикрича, “инновация – бу ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда турли омиллар ўртасидаги янги комбинацияларни креатив тадбиркорлик ёндашуви асосида такомиллаштириш ҳисобига эришилган натижа бўлиб, у техник-технологик, маҳсулот ёки жараён шаклида бўлиши мумкин”[1]. Инновация атамасининг иқтисодий фанга илк бор киритилишида унинг тадбиркорлик фаолияти билан ўзаро алоқадорликда изоҳланиши билан биргаликда, ишлаб чиқариш жараёнида янги турдаги ёндашувларни қўлланилишига устуворлик қаратилиши, ишлаб чиқариш жараёнида қатнаувчи инсон омилининг касбий маҳорати, айниқса, компетентлиги даражаси юқори бўлишини талаб этади. Бу эса кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришда янгича фикрлайдиган, креатив ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга устуворлик қаратилишидан далолат беради.

Шунингдек, Б. Санто “инновация қўшимча даромад олиш мақсадида маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган ғоя ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишдаги ижтимоий-технологик-иқтисодий жараёнларни ўзгаришида намоён бўлади”[2], деган фикрни илгари суради. Олим томонидан инновациянинг моҳиятини ёритишда тадбиркорлик субъектлари томонидан илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этишда ижтимоий жараёнлар таркибига кадрлар салоҳияти билан боғлиқ омиллар ҳам киритилган ҳисобланади.

Шу ўринда яқин хорижлик И.Л. Туккел тадқиқотида эътиборни қаратиб, унинг тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолияти борасида билдирган куйидаги фикрларини келтириб ўтамиз: “инновацион фаолият –тадбиркорлик субъекти фаолиятини ташкил этиш ва юритиш амалиётига янги ёки такомиллаштирилган товар ва ишлаб чиқариш жараёнларни тадбир этишда бажариладиган турли ишлар, ҳамда кўрсатиладиган хизматлар мажмуасидан ташкил топади”[3]. Шунингдек, яна бир яқин хорижлик иқтисодчи С.С. Раҳимова “тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда инновация – бу янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, янгиликларни излаш, янгиликларнинг диффузион, яъни тарқалиш жараёнларини баҳолаш, ҳамда уларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган жараён сифатида намоён бўлади”[4], деган хулосага келади.

Юқорида таҳлил этилган иқтисодий назариялар кадрлар тайёрлаш менежментида олий таълим хизматлари билан меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро алоқадорликлар тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ҳисобига улар томонидан яратилаётган иш ўринлари кесимидаги касбий компетентлик талабларини такомиллашиб борганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатда инновацион тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши меҳнат бозорида мавжуд иш ўринлари кесимидаги касбий компетентлик талабларини ўзгариши билан биргаликда, янги мутахассисликлар ва касблар бўйича талабларни шаклланишига олиб келади. Шу сабабли, кадрлар тайёрлаш менежментида тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини берувчи мутахассисларни тайёрлашда олий таълим билан меҳнат бозорлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, жумладан, олий таълим муассасаларининг иш берувчилар билан кадрлар таъминоти, ҳамда инновацион эҳтиёжлари бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш талаб этилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўтказилган тизимли таҳлиллар инновацион тадбиркорлик билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги ўзаро алоқадорликни илмий жиҳатдан асосланишида ўзаро ўхшашликлар ва тегишли тартибдаги фарқли жиҳатлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Демак, ҳар бир илмий назария йўналишида инновацион тадбиркорлик билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги алоқадорликни илмий асосланишидаги умумий хусусиятлар қуйидаги тартибда изоҳланади:

биринчи, инновациянинг марказий аҳамияти – бунда тадбиркорлик субъектларининг рақобат устунлигига эришиши, улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ортиши билан биргаликда, миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришишида инновациялар марказий аҳамият касб этиб, иқтисодий ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучи инновацион тадбиркорлик деб баҳоланиб, кадрлар тайёрлаш менежменти уларнинг талабларига мос келадиган мутахассисларни, жумладан, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиши керак бўлади;

иккинчи, тадбиркорликнинг инновацияни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қаралиши тадбиркорлик субъектларининг юқори фойда олиш мақсадида ўз фаолиятига янгиликларни жорий этиб бориши билан асосланади. Шу билан биргаликда, ушбу янгиликларни излаш, улар бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жорий этиш самарадорлигини оширишда кадрлар тайёрлаш менежментининг амал қилиши муҳим аҳамият касб этади;

учинчи, инновацион тадбиркорликни ривожланишида юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг қондирилиши кадрлар тайёрлаш менежменти тизимининг амал қилиши билан изоҳланиб, таълим хизматлар кўрсатишни ташкил этишда иш берувчиларнинг иш ўринлари бўйича белгиланган касбий компетентлик талабларига мос келадиган кадрларни тайёрлаш билан биргаликда, ушбу меъёрларни такомиллаштириб бориш керак бўлади;

тўртинчи, инновацион жарёнлар ҳисобига содир бўладиган ўзгаришлар ва уларга мослашиш даври билан боғлиқ хусусиятлар назарда тутилади. Яъни, тадбиркорлик субъектларининг инновацион салоҳияти уларда ёлланиб ишлаётган юқори малакали мутахассислар билан баҳоланиб, инновацион ривожланиш бўйича корхонанинг “имиджини” айнан мутахассислар белгилаб беради. Яъни, қанчалик инновацион ривожланиш салоҳияти бўйича юқори малакали кадрларга эга бўлган корхоналар инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишда бозорда етакчилик қилишса, улар инновацион жараёнлар ҳисобига содир бўладиган ўзгаришларни вужудга келтириб, бозор конъюнктурасини инновацион ривожланиш векторларини белгилаб берадилар. Бошқа корхоналар эса ушбу ўзгаришларга қанчалик тезроқ мослашиши уларда ёлланиб ишлаётган мутахассисларнинг касбий компетентлиги билан боғлиқ бўлади. Кадрлар тайёрлаш менежменти эса нафақат инновацияларни ишлаб чиқиш, балки уларни қабул қилиш салоҳиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаши зарур ҳисобланади;

1-жадвал

Инновацион тадбиркорлик билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги алоқадорликни турли илмий назариялардаги устуворликлар жиҳатдан фарқли хусусиятлари¹


Илмий назарий гуруҳ	Кадрлар тайёрлаш менежментининг инновацион тадбиркорликка таъсири
Классик иқтисодий мактаб	Меҳнат стажи ортиши ҳисобига ҳодимларда касбий компетентликнинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш
Инновацион ривожланиш назариялари	Илм-фан ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро алоқадорликни таъминлаш, соҳадаги янгиликларни, илмий лойиҳаларни амалиётга жорий этиш

¹ Муаллиф томонидан тузилган

Эволюцион иқтисодий назария	Инновацион фаолият билан боғлиқ бўлган тажрибаларнинг тўпланиши ва уларнинг такомиллашиб боришига асосланади
Инсон капитали назарияси	Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш кадрлар тайёрлаш менежментининг инсон капиталини инвестицион самарадорлигини таъминлашга қаратилганлиги билан изоҳланади
Креатив иқтисодий назария	Ижодкор синфларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, илмий тадқиқот, янги ғояларни ишлаб чиқишни таълим менежменти орқали ривожлантириш
Неоинституционал назариялар	Инновацион тадбиркорликни ривожлантиришнинг инфратузилмавий таъминотини яхшилашда кадрларга бўлган талабга мос келадиган таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш

бешинчи, таълим хизматлари орқали касбий билим бериш – бунда кадрлар тайёрлаш менежменти миллий иқтисодиётда инновацион тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат бозоридаги мавжуд иш ўринлари бўйича касбий компетентлик талабларини аниқлаши, жумладан, кадрлар тайёрлаш жараёнида тайёрланаётган мутахассислар учун малака талабларини иш берувчилар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиши назарда тутилади.

Шу билан биргаликда, таҳлил қилинган илмий назариялар асосида инновацион тадбиркорлик билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги алоқадорликни асослашда ишлаб чиқилган илмий ёндашувларнинг устуворликлари нуқтаи-назаридан бир биридан фарқ қилиши аниқланди ва олинган натижалар 1-жадвалда келтириб ўтилди.



1-расм. Инновацион тадбиркорлик билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг намоён бўлиш механизми¹

Олинган хулосалар кадрлар тайёрлаш менежменти таълим тизими шаклида амал қилиб, мамлакатдаги инновацион муҳитни шакллантириш, тадбиркорлик субъектларига ижодий ёндашув, ҳамда, техник-технологик янгиликлар билан яқиндан танишиш имконини бериши кераклигини кўрсатди. Ушбу ҳолат инновацион тадбиркорлик билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги ўзаро алоқадорлик янги билимларни яратиш, уларни ўзаро узатиш (инновацион диффузия) ва янги билимни амалиётда қўллаш жараёнларининг тизимли амал қилишида намоён бўлади (1-расмга қаранг), деган хулосага келиш имконини берди.

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодий фанда классик, инновацион ривожланиш, эволюцион, инсон капитали, креатив ва неоинституционал назарияларларни тизимли таҳлил қилиш асосида иқтисодчи олимлар томонидан шаклланган илмий ёндашувларда

¹ Муаллиф томонидан тузилган

инновацион тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган кадрлар менежменти кадрларнинг касбий компетентлиги бўйича креатив фикрлаш, технологик саводхонлик, муваффақиятли мулоқот, тадбиркорлик тафаккури, мустақил қарор қабул қилиш каби баъзи таркибий компонентларга эга мутахассисларни тайёрлаши талаб этилади, деган хулосага келинди ва улар қуйидаги тартибда изоҳланади:

креатив фикрлаш компетентлиги – бунда мутахассисларнинг янги ғояларни ишлаб чиқиши, улар бўйича лойиҳаларни шакллантириши каби ижодий фаолият қилиш имконияти назарда тутилади. Шу билан биргаликда, ушбу компонент мутахассисларнинг интеллектуал салоҳияти билан бевосита боғлиқ ҳисобланади;

технологик саводхонлик компетентлиги – бунда ишлаб чиқилган лойиҳа ёки ғоя асосида инновацион ишланманинг прототипини шакллантириш, “ижодкор” гуруҳ билан ишлай олиш қобилияти, янги технологияларни ўзлаштири олиши, ҳамда ишлаб чиқариш техника ва технологияларидан амалиётда фойдаланиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича тегишли фикрларни билдири олиши назарда тутилади;

муваффақиятли мулоқот компетентлиги – жамоа билан ишлай олиши, етакчилик хусусияти, жамоа аъзолари билан содир бўладиган турли ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан алоқадор бўлган муносабатларга, жумладан, “раҳбар-ҳодим”, “устоз-шогирд” каби муносабатларига киришиш ҳолати асосида баҳоланади;

тадбиркорлик тафаккури компетентлиги – ҳодимларнинг турли рисклилик даражаси юқори бўлган ҳолатларда рисклар билан ишлаш ва уларни бошқариш асосида юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятларини аниқлай олиш қобилияти ҳисобланади;

мустақил қарор қабул қилиш компетентлиги – фавқулодда ёки шошилинч вазиятларни минимал зарар ва юқори самарадорлик тамойилига мос келадиган қарор қабул қила олиши, жумладан, вазиятларни танқидий таҳлил қила олиш имкониятлари орқали намоён бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида келтириб ўтилган инновацион тадбиркорликни кадрлар тайёрлаш менежменти орқали қўллаб-қувватлашда кадрларнинг базис компетентлик талабларининг таркибий тузилиши тадбиркорлик фаолияти юриштиринг ҳар қандай тармоғи учун мос келиб, тармоқ ва соҳа учун хос бўлган махсус инновацион хусусиятлардан келиб чиқиб касбий компетентликнинг базис талаблари кенгайтиши мумкин ҳисобланади.

Умуман олганда, инновацион тадбиркорликни ривожланишида кадрлар тайёрлаш менежменти муҳим аҳамият касб этиб, инновацион ривожланиш имконияти, устуворликлари ҳамда инновацион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратади. Шу билан биргаликда, кадрлар тайёрлаш менежменти таълим тизими шаклида инновацион ривожланишнинг инфратузилмавий таъминотининг ажралмас қисми ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, кадрлар тайёрлаш менежментининг амал қилиш механизмларини такомиллаштириш орқали мамлакатда нафақат инновацион тадбиркорлик фаолияти, балки миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши таъминланиб, “билимга асосланган” иқтисодий муносабатларнинг жадаллашувига олиб келади, деган хулосага келиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шумпетер И. Теория экономического развития. / И. Шумпетер. – Москва: Прогресс, 1982. – 455 с.
2. Санто Б. Инновация как средство экономического развития / Б. Санто. – Москва: Прогресс, 1990. – 255 с.
3. Управление инновационными проектами: учеб. пособие. – Часть 1. – Методологии управления инновационными проектами / Т.В. Александрова [и др]; под ред. И.Л. Туккеля. – Санкт-Петербург: СПбГТУ, 1999. – 100 с.
4. Рахимова С.А. Теория управления инновационным процессом. Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2014. № 4. – с. 54-61

5. Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. 2nd Edition. London: “Penguin Books Ltd”, 2013. – 291 pages.
6. Флорида Р. Креативный класс. Люди, которые меняют будущее/ Пер. с англ. М.: Классика XXI, 2005.430 с
7. Teixeira P.N. Garry Becker’s Early Work on Human Capital – Collaborations and Distinctiveness. IZA Journal of Labor Economics, No 3, Issue 12, 2014. – pp. 1-20. DOI: 10.1186/s40172-014-0012-2

<p>Т.Эргашев</p> <p>Особенности проявления экономической взаимосвязи между инновационной предпринимательской деятельностью и менеджментом подготовки кадров</p> <p>Аннотация. В статье проанализированы особенности проявления экономических взаимосвязей между менеджментом подготовки кадров и инновационной предпринимательской деятельностью. В частности, на основе различных экономических теорий выявлены приоритеты поддержки инновационной предпринимательской деятельности через систему менеджмента подготовки кадров.</p> <p>Ключевые слова: менеджмент, подготовка кадров, менеджмент подготовки кадров, профессиональная компетентность, услуги высшего образования, рынок труда, система образования, инновация, инновационная деятельность, предпринимательство, инновационное предпринимательство.</p>	<p>T.Ergashev</p> <p>Features of the Economic Interrelation Between Innovative Entrepreneurial Activity and Human Resource Training Management</p> <p>Abstract. The article analyzes the characteristics of the economic interrelations between human resource training management and innovative entrepreneurial activity. In particular, based on various economic theories, the priorities of supporting innovative entrepreneurial activity through the system of human resource training management have been identified.</p> <p>Keywords: management, human resource training, human resource training management, professional competence, higher education services, labor market, education system, innovation, innovative activity, entrepreneurship, innovative entrepreneurship.</p>
---	--

Munavvar Sur’at qizi Xusniddinova – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti doktoranti

TURIZMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH: JAHON TAJRIBASI VA O‘ZBEKISTON UCHUN XULOSALAR

Annotatsiya. Ushbu maqolada turizm sohasida raqamli texnologiyalardan foydalanishning xalqaro tajribasi va O‘zbekiston uchun amaliy xulosalari o‘rganilgan. Big Data, Internet of Things (IoT), sun’iy intellekt, onlayn platformalar va mobil texnologiyalarning xizmat sifati, samaradorlik va mijozlar tajribasiga ta’siri ilmiy manbalar asosida tahlil qilindi. Shuningdek, ilg‘or davlatlar (Estoniya, Ispaniya, Germaniya) va O‘zbekiston o‘rtasida raqamli qamrov darajasi statistik solishtirma asosida ko‘rib chiqildi. Maqola yakunida O‘zbekiston uchun strategik takliflar – smart shaharlar, raqamli platformalar va kadrlar tayyorlash yo‘nalishlari ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Raqamli turizm, Big Data, Internet of Things (IoT), Sun’iy intellekt, Mobil ilovalar, Smart shahar, e-tourism, Turizm siyosati, Raqamli transformatsiya.

Kirish. Hozirgi kunda turizm sohasi global miqyosda tez sur’atlar bilan raqamlashib bormoqda. Raqamli texnologiyalar, ayniqsa, turizm xizmatlarini taqdim etish va iste’mol qilish jarayonlarini sezilarli darajada o‘zgartirmoqda. Internet, mobil ilovalar, sun’iy intellekt, kengaytirilgan va virtual reallik, katta ma’lumotlar (big data) kabi innovatsion texnologiyalar sayohat tajribasini boyitib, mehmonxona va transport xizmatlari, turistik broshyuralar hamda onlayn booking tizimlarining samaradorligini oshirdi. Biroq raqamli texnologiyalardan samarali foydalanish turizm sohasida iste’molchining qaror qabul qilishini osonlashtirishi va iqtisodiy samara keltirishi uchun nafaqat texnik, balki ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy jihatlarni ham hisobga olish zarur.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{8}$. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.